

Рамазон тухфаси: «Оқ уй» жомеъ масжиди очилди



20:02 / 11 март 1760

2024 йил 9 март куни Тошкент шаҳри Миробод туманида янги барпо этилган «Оқ уй» жомеъ масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Масжид давлат рўйхатидан ўтказилиб, намозхонлар ихтиёрига топширилди.

«Оқ уй» жомеъ масжидида намозхонлар учун барча қулайликлар ҳозирланган. Озода ва шинам таҳоратхона, маъмурий бинолар, кутубхона ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари барпо этилган. Ушбу масжиднинг имом-хатиби этиб Исроилжон домла Исмоилов тайинланган. Исроилжон домла аввал Тошкент шаҳридаги «Холид ибн Валид» жомеъ масжидида имом-хатиб бўлган.

Аллоҳнинг байтини обод қилаётган азизларга Яратганнинг розилиги насиб қилсин, юртимиз фаровонлиги бардавом бўлсин!